

834.75(043.3)

0-86

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК 334.012.23

ОТАЖОНОВ ШУҲРАТ ИБРАЙИМЖОНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг”

иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
тақдим этилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ – 2010

334.75 (043.3)

0-86

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори
Ғойибназаров Баходир Каримович

Расмий оппонентлар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Зайнутдинов Шавкат Нуриддинович

иқтисод фанлари доктори
Мирзаев Имомназар Қаландарович

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси**


Ҳимоя 2010 йил «12» ноябрь соат «9⁰⁰» да Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгашнинг мажлисида бўлади.

Манзилгоҳ: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2010 йил «12» октябрь да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори, профессор



Б. Беркинов

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига тез мослаша олиши уни жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш ва инкироздан кейин иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш шароитида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантирмоқда.

Демак, эндиликда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, “кичик бизнесни нафақат сон жиҳатдан кўпайтириш, балки уни аввало сифат жиҳатдан ҳам ривожлантиришимиз, бу борада оддий ишлаб чиқаришдан ички ва ташқи бозорга йўналтирилган мураккаб, юксак технологияга асосланган ишлаб чиқаришга ўтиш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз даркор”¹.

Бугунги кунда республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоиздан кўпроги кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётганига қарамадан, юқори технологик жараёнларни талаб этадиган саноат тармоғидаги (16,9 %) ва экспортдаги (14,6 %) улуши кичик бизнеснинг мавжуд салоҳияти даражасида эмас². Мазкур соҳа ва тармоқларда кичик бизнес тараққиётини таъминлаш, умуман, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини барқарор ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида инновацион жараёнларни фаоллаштириш, айниқса, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш юқори самара беради.

Кичик бизнес субъектларида янги техника ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга юқори таваккалчиликсиз жорий этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб, ундан самарали фойдаланиш жараёни йирик қорхоналарга нисбатан тезроқ рўёбга чиқади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви натижасида замонавий иқтисодий жараёнларнинг инновацион йўналтирилганлиги кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш, мазкур фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлигини ошириш ва уларнинг инновацион лойиҳаларини тижоратлаштиришнинг илмий-услубий ва назарий асосларини ишлаб чиқишни талаб этмоқда.

Шу жиҳатдан, республикамизда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг умумназарий асослари, уни ривожлантириш ва бошқариш масалалари кўплаб хорижлик олимларнинг ишларида ёритилган. Булар қаторига Р. Акофф, В. Берне, Л. Водачек, Т. Геобро, Р. Друкер, Д. Кларк, Л. Мизес, С. Пи-

¹Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 42.

²Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

терс, А. Смит, Ф. Хайек, Р. Хизрич, А. Хоскинг, Й. Шумпетер ва бошқа олимларнинг ишларини киритишимиз мумкин.

МДХ мамлакатлари олимларидан А.И. Агеев, Ю.А. Арутюнов, К.В. Балдин, В.П. Баранчев, В.А. Быков, П. Верхан, Л.П. Гончаренко, Л. Дашков, И.И. Передеряев, Р.С. Голов, И. Кратко, А.В. Лившиц, В.А. Макаров, Б.З. Мильнер, А.М. Мухамедьяров, Ю.М. Осипов, Ю. Равенский, Т.Г. Философова, Р.А. Фатхудинов, С.Г. Шаршунов, Л.И. Шокина, К.П. Янковский ва бошқаларнинг ишларида ҳам кичик бизнесни ривожлантириш ва бошқаришнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари тадқиқ этилган³.

Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш муаммолари, шу жумладан, унинг инновацион фаолияти ва бошқарув тизимини ўрганиш бўйича С.С. Фуломов, Б.Ю. Ходиев, Ё. Абдуллаев, Р. Алимов, А.Ш. Бекмуродов, Б. Беркинов, Ш.Н. Зайнутдинов, Н.Қ. Йўлдошев, М.А. Икромов, Н.М. Махмудов, М.А. Махкамova, И.Қ. Мирзаев, Д.Н. Рахимова, А.Ф. Расулов, М.Л. Турсунходжаев, М.С. Қосимова, А.М. Қодиров, Б.К. Ғойибназаров ва бошқа олимлар илмий тадқиқот олиб борганлар.

С. Фуломов, Б. Ходиев, Ё. Абдуллаев ва Б. Ғойибназаровларнинг илмий ишларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг умумий услубий масалалари ёритиб берилган⁴. М. Қосимова, А. Бекмуродов, Н. Йўлдошев ва И. Мирзаевлар эса кичик бизнесни бошқариш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар⁵. А. Расулов, Р. Алимов ва А. Қодировларнинг илмий асарларида миллий инновацион тизимни шакллантириш асослари баён этилган бўлса⁶, Ш. Зайнутдинов, Д. Рахимова ва М. Махкамовалар инновацион менежментни ривожлантиришнинг илмий-назарий жиҳатларини тадқиқ этганлар⁷.

³Мухамедьяров А.М. Инновационный менеджмент: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С.127; Инновационное развитие: экономика, интеллектуальные ресурсы, управление знаниями. / Под ред. Б.З.Мильнера. –М.: ИНФРА-М, 2010. –С.624; Фатхудинов Р. А. Инновационный менеджмент. –М.: Бизнес-школа Интел-Синтез, 1998. –С.599; Медынский В.Г., Шаршукова Л.Г. Инновационное предпринимательство. –М.: ИНФРА-М, 1997. –С.237; Балдин К.В. Инвестиции в инновации. –М.: Издательство – торговая корпорация «Дашков и К^о», 2010. – С.238; Шокина Л.И. Оценка качества менеджмента компаний. – М.: КНОРУС, 2009. –С.344; Философова Т.Г., Быков В.А. Конкуренция инновации. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. –С.295; Инновационный тип развития экономики. Учебник / Под ред. А.Н.Фоломьева. – М.: РАГС, 2008. –С.712; Гончаренко Л.П., Арутюнов Ю.А. Инновационная политика. –М.: КНОРУС, 2009. – С.352; К.П.Янковский. Введение в инновационное предпринимательство. – СПб.: Питер, 2004. –С.189.

⁴Фуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: 2002. –Б.256; Абдуллаев Ё. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 саволга - 100 жавоб. –Т.: Мехнат. 2002. –Б. 157; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодиётида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш: Иқт.фан. докт. дисс.автореф. –Т.: 2000. –Б.42; Ғойибназаров Б.К. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги инновациялардан фойдаланиш йўллари. // Иқтисодиётни барқарор яқиний-иктисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. –Тошкент, 2007. –Б. 132–135.

⁵Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю. ва бошқалар. Кичик бизнесни бошқариш. –Т.: 2003. –Б. 258; Мирзаев И.Қ. Тенденция развития предпринимательской деятельности. Науч. сессия проф.препод. по итогам НИР 2007 г. –СПб.: Изд-во СПбГУЭФ, 2008. –С.22-26.

⁶Расулов А.Ф., Алимов Р. Стимулирование инновационной активности в экономике // Общество и экономика. –М.: 2007. –№5-6; Кадыров А.М. Формирование национальной инновационной системы в условиях углубления экономических реформ. Актуальные проблемы развития инновационной деятельности. Сборник научных трудов международной конференции. –Т.: 2008. С.19-21.

⁷Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. –Т.: Академия, 2006. –С.267; Оценка эффективности управления экономикой. Под ред. Ш.Н. Зайнутдинова, Э.Х. Махмудова. –Т.: ТГЭУ, 2008. –С.321; Эргашев Ф., Рахимова Д., Сагдуллаев А., Парпиев О. Инновацион менеджмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. –Б. 90.

Амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим илмий ва услубий манба бўлса-да, бугунги кунда республикада кичик бизнеснинг мавжуд салоҳиятини ҳисобга олиб, унинг инновацион фаолиятини ривожлантириш, кичик бизнес бошқарув фаолиятига инновацион менежмент усулларини татбиқ этишга қаратилган илмий тадқиқотлар деярли амалга оширилмаган. Мазкур тадқиқот иши мавзуси ушбу ҳолатларни ҳисобга олиб танланган.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур илмий иш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг инновацион лойиҳалари дастурлари ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг илмий ишлар режасига қиради.

Тадқиқот мақсади: Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизmlарини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-назарий ҳамда услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ечиш кўзда тутилди:

➤ миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини оширишда кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг тугган ўрни ва аҳамиятини асослаш;

➤ кичик бизнес бошқарув тизимида “инновация” ва “инновацион фаолият бошқарув механизми” тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш;

➤ республикада кичик бизнес субъектларининг иқтисодий-инновацион ривожланиши ва бошқарув тизимининг замонавий ҳолатини баҳолаш;

➤ кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш, уни бошқариш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари асослаб бериш;

➤ кичик бизнес субъектларининг молия-ҳужалик ва иқтисодий-инновацион фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда прогнозлаш вариантларини ишлаб чиқиш;

➤ кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва уларни самарали ривожлантириш юзасидан илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти танланган. Тадқиқотнинг предметини кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятининг бошқарув механизми ва уни такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот жараёнида тизимли ва омилли таҳлил, иқтисодий-математик, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, монографик кузатиш каби усуллардан фойдаланилган.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

➤ кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини самарали

бошқаришни ташкил этиш модели;

➤ кичик бизнес субъектлари иктисодий-инновацион фаолияти ривожланиш даражасини баҳолаш тизими;

➤ кичик бизнес инновацион фаолиятида рискларни самарали бошқариш механизмларининг ташкилий-иктисодий асослари;

➤ Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш модели;

➤ давлат инновация сиёсатини амалга оширишда кичик бизнес субъектларининг йирик корхоналар билан интеграциясини ташкил этиш тизими.

Илмий янгилиги. Тадқиқот натижаларининг илмий янгиликлари куйидагилардан иборат:

➤ кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш асосида миллий иктисодиёт самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари асослаб берилди;

➤ кичик бизнес субъектларининг иктисодий-инновацион фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш услуги такомиллаштирилди;

➤ Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришни самарали бошқариш модели таклиф этилди;

➤ кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришга қўмаклашувчи инфратузилмаларни такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар асосланди;

➤ кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини тижоратлаштириш ва уларни венчур молиялаштириш тизими таклиф этилди;

➤ кичик бизнес инновацион фаолиятида рискларни самарали бошқариш механизмларининг ташкилий-иктисодий асослари ишлаб чиқилди;

➤ давлат инновация сиёсатини амалга оширишда кичик бизнес субъектларининг йирик корхоналар билан интеграциясини ташкил этиш тизими асослаб берилди;

➤ кичик бизнес субъектларининг иктисодий-инновацион ривожланишини прогнозлаш вариантлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда ишлаб чиқилган кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, унга қўмаклашувчи инфратузилмаларни ривожлантиришга оид илмий таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштиришда, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимни шакллантиришда амалий аҳамият касб этади. Илмий-назарий тавсиялардан иктисодиёт йўналишидаги олий ўқув юр்தларида “Инновацион менежмент”, “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” ва “Бизнесни бошқариш” фанларини ўқитишда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси (№ 5/21-189 – 14.01.2009), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси (№ 1255/18-1 – 12.04.2010), “Марко” кичик

корхонаси (№ 120 - 10.12.2009), “S-Mobile” Масъулияти чекланган жамияти (128/10 - 10.03.2010) амалиётига ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида (№ 02-287 - 02.02.2009) ўқув жараёнига татбиқ этилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертациянинг асосий хулоса ва натижалари “Иқтисодий мерос ва жаҳон тажрибаси” (Тошкент, ТДИУ, 2000), “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари” (Тошкент, ТДИУ, 2000), “Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари” (Тошкент, ТДИУ, 2002), “Иқтисодиётни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар” (Тошкент, ТДИУ, 2007), “Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни” (Тошкент, ЎЗМУ, 2008), “Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири” (Тошкент, ТДИУ, 2009), “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилчи такомиллаштириш масалалари” (Тошкент, ТМИ, 2009), “Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истикболлари” (Тошкент, ТДИУ, 2009), “Иқтисодий, демографик, экологик барқарорлик ва ҳавфсизликни мустаҳкамлашнинг устувор вазифалари” (Урганч, УрДУ, 2010), “Инқироз сабоқлари ва глобал таҳдидлар шароитида иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели” (Тошкент, ТДИУ, 2010) каби халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва маъқулланган.

Мазкур илмий иш Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Тармоқлар иқтисодиёти” ва “Корпоратив бошқарув” кафедраларининг кенгайтирилган қўшма мажлисида, Бухоро давлат университети ташкил этган “Иқтисодиёт” йўналишидаги илмий семинарда ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги Д.067.06.01 рақамли ихтисослашган кенгаш қошидаги 08.00.13 – “Менежмент ва маркетинг” ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Илмий ишнинг асосий натижалари 5,75 босма табоқ ҳажмидаги 23 та илмий мақола ва мақола тезисларида акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби қириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг умумий ҳажми 181 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Қириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар, илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий этилишини акс эттирувчи маълумотлар ўрин олган.

Диссертациянинг биринчи боби “Кичик бизнесни ривожлантириш ва унинг инновацион фаолиятини бошқаришнинг назарий-услубий асослари”

деб номланган бўлиб, унда кичик бизнес соҳасини ривожланиши ва унинг бошқарув тизимининг илмий-назарий асослари баён этилган, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг таснифланиши, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини бошқариш ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари назарий-услубий жиҳатдан батафсил ёритилган.

Жаҳон амалиёти шуни кўрсатадики, қўллаб ривожланган мамлакатлар юксак тараққиёт даражасига фан ва техника соҳасидаги энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга тез ва кенг қўламли жорий этиш ҳисобига эришмоқдалар.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик инновацион фаолиятини ривожланиш босқичларини ўрганиш юзасидан амалга оширилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлик фаолияти XVI асрдан бошлаб иқтисодчи олимлар диққат-эътиборида бўлиб келган. Тадбиркорлик ва инновация фаолияти назариясига муҳим ҳисса қўшган австриялик иқтисодчи И. Шумпетер “тадбиркор – ишлаб чиқариш омилларида фойдаланишнинг янги комбинацияларини амалга оширадиган ва шу билан иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган киши”, – деб таъкидлайди⁸. Р. Хизрич тадбиркорликни инновация фаолияти билан боғлаган ҳолда: “тадбиркорлик – қийматга эга бўлган янги нарсани яратиш жараёни бўлиб, тадбиркор эса бунда таваққалчиликни зиммасига олувчи кишидир”, – деб талқин этади⁹. П. Друкер “тадбиркорлик инновацияни бошқариш жараёни бўлиб, тадбиркор эса ҳар бир имкониятдан максимал даражада фойдаланувчи шахс”, – деб тушунтиради¹⁰. П. Друкер инновацияларнинг айнан иқтисодий асосини таъкидлаб, “тадбиркорлар унинг ёрдамида янги хизматлар ёки бизнес турини амалга оширади”, деб таърифлайди¹¹. П. Друкернинг таърифи Й.Шумпетернинг классик таърифи моҳиятини тўлдириб, бир вақтнинг ўзида самарали ривожланишнинг шартли сифатида ташкилий-иқтисодий омилнинг аҳамиятини ва янги товарларни амалиётда қўллаш заруриятини ифодалайди.

Маҳаллий олимлардан академик С. Ғуломов тадбиркорликка уни инновация фаолияти билан боғлаган ҳолда: “тадбиркор шундай инсонки, у пул маблағлари, материаллар ва ишчи кучини жамлаштириб, янги маҳсулот, янги бизнес, янги ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этади”¹², деб илмий таъриф берса, М.С. Қосимова ва М.А. Юсуповлар “кичик бизнеснинг самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизими мукаммаллиги билан узвий боғлиқдир”¹³, деб талқин этади. Ш. Зайнутдинов ва Д. Раҳимоваларнинг фикрига кўра, “Инновацион жараёнларни бошқариш – бу янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва

⁸Шумпетер Й. Теория экономического развития. Пер. С англ. – М.: Прогресс. 1992. –С.169-183.

⁹Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. \\\ Вып. 1. –М.: 1991. –С.20.

¹⁰Друкер П. Рынок: как выйти в дилеры. Практика и принципы. – М.: 1992. –С. 98.

¹¹Друкер П. Практика менеджмента. –М.: ИД Вильямс, 2003. – С.39.

¹²Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.:1998. –Б.32.

¹³Қосимова М.С., Шодиевкова Д.А., Юсупов М.А. Самадов А.Н. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2005. –Б 61.

такомиллаштириш жараёнини ташкил этишдир¹⁴. С. Ғуломов ва Б. Ғойибназаровларнинг таъкидлашича, “кичик бизнес корхоналари янги инновациялар ва ташаббускорликни талаб этиб, шулар асосидагина иктисодий ривожланишни таъминлаш мумкин. Бунинг учун кичик бизнес корхоналари фан ва техникада эришилган энг сўнгги инновацияларни ишлаб чиқаришга жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари лозим”¹⁵.

Муаллиф фикрича, жаҳон иктисодиёти глобаллашуви ва ракобат муҳити кучайиб бориши, махсулотлар ҳаётийлик даври кескин қисқариши, бозор конъюнктураси ва истеъмолчилар эҳтиёжлари тез ўзгариши жараёнлари бугунги кунда ҳар бир хўжалик юртувчи субъектдан ракобатбардош махсулотлар ишлаб чиқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини ишлаб чиқишни ҳаётий заруриятга айлантирмоқда. Бу эса уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти энг аввало, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, махсулот ишлаб чиқариш харажатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, ишлаб чиқариладиган махсулотлар нархларини пасайтиришда уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни талаб этади.

Тадқиқот ишида таъкидланишича, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш кўп жиҳатдан унинг бошқарув тизими самарадорлигига боғлиқ. Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришдан мақсад бутун ишлаб чиқариш тизимини янгилаш ҳисобига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, илмий-техник, интеллектуал ва иктисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида соҳа ракобатбардошлигини оширишдан иборат.

Муаллиф фикрича, Ўзбекистонда иктисодиётни модернизациялаш шароитида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва унинг бошқарув самарадорлигини ошириш қуйидаги омиллар ҳисобига таъминланиши лозим:

биринчидан, кичик бизнеснинг бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиш хусусиятларига эга эканлиги инновацион технологияларни жорий этишда йирик корхоналарга нисбатан юқори таваккалчиликнинг пастрлиги жиҳатидан яхши самара беради;

иккинчидан, кичик бизнес субъектлари фаолиятига инновацион технологиялар жорий этилиши уларнинг юқори трансакцион харажатларини камайтириб, рентабеллик кўрсаткичларини оширади;

учинчидан, кичик бизнес субъектларининг янгиланган тезкорлик билан ўзлаштира олиш салоҳияти уларга инновацияларни тижоратлаштиришдан юқори даромад олиш имкониятини беради;

тўртинчидан, кичик бизнес субъектлари фаолиятига бошқарувнинг инновацион технологиялари жорий этилиши улар томонидан ишлаб

¹⁴Эргашев Ф., Раҳимова Д., Сағдуллаев А., Парпис О., Зайнутдинов Ш. Инновацион менежмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005. – Б.90.

¹⁵Ғуломов С.С., Ғойибназаров Б.К. Иктисодий юксалиш омиллари. // Халқ сўзи, 2007 йил 27 феврал.

чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш, товар ва хизматлар номенклатурасини ошириш, янги товарлар турларининг сотиш ҳажмларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг истиқболли бозорларини ўзлаштириш ҳисобига уларнинг экспорт салоҳияти ва рақобатбардошлигини оширади.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини бошқариш механизми инновация фаолиятини амалга оширишнинг ташкилий-иқтисодий шакллари бўлиб, инновацион қарорлар қабул қилиш ва мазкур фаолиятни рағбатлантириш ва тартибга солишни ўз ичига олади¹⁶.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини бошқариш механизмлари куйидаги функционал гуруҳларга ажратиш мумкин:

➤ инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишни ташкил этиш (янги ғояни асослаш, мавжуд инновацион ишланмаларни модификация қилиш);

➤ инновация фаолиятини молиялаштириш жараёнини бошқариш (молиялаштиришнинг янги усулларини қўллаш, модернизация ва венчур фондларидан самарали фойдаланиш, инновацион лойиҳаларни амалга оширишда ҳиссадор ташкилотлар маблағларини жалб қилиш);

➤ инновация фаолиятини амалга оширишда мотивация ва рағбатлантириш (инновация фаолиятини амалга ошириш учун қулай шароит яратиб бериш: солиқ имтиёзларини киритиш, кредитлар фоизларини субсидиялаш, хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш; инноватор кадрларни танлаш, янги ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, ходимларнинг ташаббускор янги ғояларини моддий рағбатлантириш);

➤ технологиялар трансфери ва интеллектуал мулкни бошқаришни ташкил этиш (илмий ҳажмдор юқори технологияларни жорий этиш, илмий-техник янгиликлар билан боғлиқ маълумотларни жамлаш, янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш учун махсус патент ва лицензияларни жорий этиш);

➤ инновация жараёнини амалга оширишни режалаштириш ва назорат қилиш, инновацияларни тижоратлаштириш (инновация жараёнини амалга оширишда кам ҳаражатлилиқ ва юқори самарадорлиққа эришиш, инновацияларни тижоратлаштириш жараёнига бошқарув ва маркетингнинг инновацион технологияларини жорий этиш).

Диссертациянинг иккинчи боби “Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг иқтисодий-инновацион фаолияти таҳлили ва унинг бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш” деб номланиб, унда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари иқтисодий-инновацион фаолиятини ривожланишининг замонавий ҳолати ва унинг бошқарув тизими самарадорлиги

¹⁶“Инновацияларни бошқариш” тушунчаси бевосита инновация фаолияти билан боғлиқ бўлиб, корхонадаги ишлаб чиқариш ва бошқа жарвёнлар доирасида инновацияларни жорий қилиш ва рағбатлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни бошқариш фаолиятини англатади. Бунда бошқарув объекти сифатида инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар, янги маҳсулот ва ишланмалар, инноватор кадрлар ва бошқалар хизмат қилади. “Инновацион бошқарув” тушунчаси корxonанинг турли бўлимлари олдида турган вазифаларни раҳбар томонидан янгича ёндашув ва усулларни қўллаган ҳолда бошқаришни англатади. Бошқарув объекти бўлиб корхона ва унинг таркибий бўлимлари ҳисобланади.

таҳлил қилинган ҳамда кичик бизнес субъектларининг иктисодий-инновацион фаолиятини баҳолаш услубини такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида "... кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)даги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилмоқда", дея аниқ максатни белгилаб берди¹⁷.

Таҳлилларга кўра, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига республикада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 50,1 фоизни ташкил этди. Иктисодиётда банд бўлганларнинг 74 фоизидан кўпроғи мазкур соҳада фаолият юритмоқда¹⁸. Республикада кичик бизнес субъектларига яратиб берилётган қулай шарт-шароитлар натижасида бугунги кунда уларнинг сони кундан-кунга ортиб бормоқда. 2010 йил 1 январь ҳолатига кўра, ҳар 1000 киши ҳисобига тўғри келадиган фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 16,8 тани ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2000 й	2001 й	2002 й	2003 й	2004 й	2005 й	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й
ЯИМдаги улуши	%	31,0	33,8	35,5	35,0	35,6	38,2	42,1	46,2	48,2	50,1
Ш ж. кичик корхоналар ва микрофирмалар	%	13,1	14,8	15,7	16,4	18,6	21,5	23,5	27,2	29,1	33,6
Кичик бизнесда банд бўлганлар сони	минг киши	4316,5	4687,7	4965,6	5436,7	5974,9	6602,5	7258,6	7762,8	8229	8402,3
Умумий бандликдаги улуши	%	49,7	53,0	54,5	56,7	60,3	65,5	69,3	72,3	73,6	74,2
Янгидан яратилган иш жойлари	минг бирлик	296,9	372,1	369,2	375,4	392,6	350,8	339,5	410,0	374,3	471,9
Ҳар 1000 кишига тўғри келадиган субъектлар сони	бир бирлик	6,0	7,1	8,6	8,3	9,2	10,3	13,2	14,2	15,6	16,8
Кичик бизнес соҳасининг тармоқлар бўйича улуши:											
Саноат	%	11,3	14,1	14,1	10,9	10,1	9,4	10,0	12,9	15,2	16,9
Қишлоқ хўжалиги	%	72,4	75,6	76,4	78,1	81,1	85,7	94,2	97,5	99,2	99,9
Чакана савдо айланмаси	%	45,9	45,8	43,8	42,4	42,2	43,7	45,3	47,2	49,4	46,5
Пуллиқ хизматлар	%	37,9	39,9	41,3	45,4	47,9	52,5	50,9	50,5	51,5	48,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

Мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантириш учун илмий, меъёрий-ҳуқуқий ва кадрлар салоҳияти анча юқори даражада. Бироқ, мазкур салоҳиятдан самарали фойдаланиш кўрсаткичи талаб даражасида эмас. Фаолият кўрсатаётган 222 та илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик

¹⁷Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 48.

¹⁸Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. 2010 йил.

муассасаларининг 8,5 фоизигина инновация фаолияти билан шуғулланади. Интеллектуал мулк объектларидан фойдаланиш даражаси ҳам нисбатан паст. Хусусан, 2009 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 69 та патент олинган (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси инновация салоҳиятининг
асосий индикаторлари**

№	Инновацион салоҳият кўрсаткичлари	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил
1.	Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик муассасалари сони	152	169	171	183	222
1.1.	Тажриба-конструкторлик ташкилотлари сони	9	11	13	14	19
1.2.	Инновацион марказлар сони	5	5	6	7	9
2.	Инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун ажратилган молиявий маблағлар, млн. сўм	2136	2593	2722	3420	4200
3.	Илмий-тадқиқотчилик ва тажриба-конструкторлик ишлари билан шуғулланаётган илмий ходимлар сони	17989	20189	22403	24189	26145
3.1.	Фан докторлари сони	21004	22102	2311	2590	2721
3.2.	Фан номзодлари сони	8109	8403	8629	8760	9231
4.	Бажарилаётган давлат илмий-техника дастурлари сони	1522	1612	1577	1619	1746
5.	Давлат илмий-техника дастурларига ажратилган бюджет маблағлари ҳажми, млн. сўм	11399	14218	15701	16120	20000
6.	Кичик бизнес субъектлари томонидан олинган патентлар сони	42	53	47	51	69


Манба: Индикаторы науки, технологий и инновационной деятельности Республики Узбекистан. Комитет по координации развития науки и технологий при Кабинете Министров Республики Узбекистан. Статистический сборник. –Т.: Изд-во «Фан ва технология», 2010. –С.122.

Жаҳон иктисодиётининг глобаллашуви шароитида бозорлар динамизацияси янги босқичи сифатида қараладиган рақобатнинг кучайиб бориши (гиперрақобат) инновацияларни бошқаришнинг янги усулларини қўллашни талаб этмокда.

Тадқиқот ишида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини самарали бошқаришни ташкил этиш модели таклиф этилган. Унга кўра, бошқарув самарадорлигига эришиш учун кичик бизнес субъекти инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг аниқ мақсад ва стратегиясини ишлаб чиқиш лозим. Бунда кичик бизнес субъектининг иктисодий-инновацион ривожланишининг интеграл кўрсаткичларини аниқлаш ва истиқбол кўрсаткичларини белгилаб олиш мақсадга мувофиқ. Кейинги босқичларда режалаштириш, ташкиллаштириш, мотивация, интеллектуал мулк объектлари (патент, лицензия, нау-хау)дан фойдаланиш, инновацияларни тижоратлаштириш жараёнлари ташкил этилади. Бу жараён инновацион ғояни ишлаб чиқиш, янги маҳсулот иктисодий самарадорлигини таҳлил қилиш, маркетинг дастурини ишлаб чиқиш, инновацион лойиҳани ишлаб чиқаришга жорий этиш (маҳсулот

брендини яратиш, инновацион махсулотни тижоратлаштириш)ни камраб олади (1-расм).


Муаллиф фикрича, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув жараёнига уларнинг тез ривожланаётган бозор жараёнларида рақобатлаша олиш имконини берувчи инновацион менежментнинг янги технологиялари, яъни, инновацион маркетинг, инновациялар инжиниринги (инновацияларни яратиш, амалга ошириш ва жорий этишни ўз ичига олувчи инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш тадбирлари мажмуи), реинжиниринг (корхона бизнес жараёнларини қайта лойиҳалаштириш мақсадида янги махсулот ва жараёнларни жорий этиш), бренд-стратегия, бенч маркетинг (корхонанинг инновацион сиёсатини ишлаб чиқиш мақсадида рақобатчи корхоналар бизнес фаолиятини ўрганиш ва баҳолаш)нинг жорий этилиши инновацион фаолият бошқарув самарадорлигини таъминлайди ва келгусида кичик бизнес субъектлари инновацион лойиҳаларини тижоратлаштириш муаммосини ҳал этиш имконини беради.



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1-расм. Кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини самарали бошқаришни ташкил этиш модели.

Тадқиқот ишида кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини таҳлил қилиш мақсадида кичик бизнес субъектларининг иқтисодий-инновацион ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаш тизими ва уларни ҳисоблаш тартиби ишлаб чиқилган (2-расм).



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-расм. Кичик бизнес субъектларининг иқтисодий-инновацион фаолияти ривожланишини баҳолаш тизими.

Муаллиф фикрича, кичик бизнес инновацион фаолияти ривожланишини баҳолаш тизимидаги интеграл кўрсаткичларни ҳисоблашда индекс усулидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, кичик бизнес инновацион фаолияти ривожланишини таҳлил қилишда интеграл индексларни ҳисоблаш услубидан фойдаланиш давлат бошқарув органларининг бу тоифадаги субъектлар инновацион фаолиятини қўллаб-қувватлаш самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

Тадқиқот ишида кичик бизнес инновацион фаолиятининг ривожланишини ифодаловчи интеграл индексларни ҳисоблашда қуйидаги формуладан фойдаланиш таклиф этилди:

$$I_{Kb} = \sqrt[n]{kb_{m1} * kb_{m2} * \dots * kb_{mn}} = \sqrt[n]{\prod_{i=1}^n I_i}, \quad (1)$$

бу ерда: I_{Kb} – кичик бизнес инновацион фаолиятининг ривожланишини ифодаловчи интеграл индекс; $kb_{m1}, kb_{m2}, \dots, kb_{mn}$ – алоҳида олинган даврларда кичик бизнес инновацион фаолияти ривожланишини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган интеграл индекслар асосида кичик бизнес инновацион фаолиятининг ривожланишини акс эттирувчи якуний интеграл индекс шакллантирилади:

$$I_Y = \sqrt[4]{I_{fd}^{Kb} * I_s^{Kb} * I_{is}^{Kb} * I_{ih}^{Kb}}, \quad (2)$$

бу ерда: I_Y – кичик бизнес инновацион фаолиятининг ривожланишини акс эттирувчи якуний интеграл индекс; I_{fd}^{Kb} – кичик бизнес субъектларининг фаоллик даражаси интеграл индекси; I_s^{Kb} – ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги интеграл индекси; I_{is}^{Kb} – махсулот ишлаб чиқариш самарадорлиги интеграл индекси; I_{ih}^{Kb} – инновацияларга ажратилган инвестиция харажатлари интеграл индекси.

Юқорида қайд этилган формулалар асосида вилоятлар кесимида кичик бизнес инновацион фаолияти ривожланишини рейтинг баҳолашга қаратилган интеграл кўрсаткичларни ҳисоблаш амалга оширилди. Бунда кичик бизнес субъектлари вилоятлар кесимида инновацион ривожланишидаги номуносибликлар минтакавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тафовутларининг сақланиб қолиши, айрим ҳолларда эса кучайишига сабаб бўлган ҳолатлар, яъни юқори (Тошкент шаҳри, Андижон вил.), ўртача (Наманган, Самарқанд вил.) ва паст (Жиззах, Сирдарё вил.) рейтинг кўрсаткичлари аниқланди (3-жадвал).

3-жадвалда келтирилган интеграл кўрсаткичлар асосида амалга оширилган таҳлиллар кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиши

бўйича республикамиз минтакаларининг 42,9 фоизи ўртача, 35,7 фоизи юкори, 21,4 фоизи эса паст рейтинг кўрсаткичига эга эканлигини кўрсатмоқда.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланишини баҳоловчи интеграл кўрсаткичлар

№	Вилоятлар	Фаолият кўрсатган субъектлар сон, бирлик	Моддий-техник ресурслар билан таъминланиши, млн.сўм	Ишлаб-чиқарилган маҳсулот ҳажми, млн.сўм	Инновацияларга ажратилган инвестиция ҳаражатлари, млн. сўм	Ривожланиш даражасини ифодаловчи интеграл индекслар				
						I_{fd}^{Kb}	I_S^{Kb}	I_{is}^{Kb}	I_{ih}^{Kb}	I_Y
Ўзбекистон		398597	1778487,5	286950,3	820630,0	1,01	1,41	1,18	1,40	1,55
$1,5 \leq I_Y$ ► юкори рейтинг кўрсаткичига эга бўлган вилоятлар										
1	Тошкент ш.	29151	121414,9	58014,3	308856	1,12	1,42	1,18	1,69	1,75
2	Андижон	31184	153693,6	6714,5	62324,9	1,03	1,87	2,85	1,05	1,73
3	Навоий	12192	97944,0	43514,0	28758,7	1,02	0,63	2,79	1,64	1,72
4	Тошкент	32291	266325,0	29620,1	66108,1	0,99	1,71	1,21	1,37	1,64
5	Фарғона	39286	74093,4	6926,2	46873,2	1,03	1,46	1,08	1,43	1,54
$1 \leq I_Y < 1,5$ ► ўртача рейтинг кўрсаткичига эга бўлган вилоятлар										
1	Наманган	22522	139001,7	6184,9	28307,0	0,99	1,40	1,40	1,41	1,47
2	Самарқанд	35907	200951,0	4556,2	73069,0	0,98	1,50	1,68	1,42	1,45
3	Бухоро	27965	100157,3	19077,6	34639,9	1,04	1,40	1,30	1,35	1,40
4	Қашқадарё	69424	141226,9	4063,1	51898,5	0,99	2,03	0,77	1,57	1,39
5	Хоразм	25115	227968,1	77518,3	30207,9	0,98	1,24	1,20	1,69	1,38
6	Сурхондарё	25064	132411,5	11728,5	29085,5	1,04	1,69	1,02	1,55	1,37
$0 \leq I_Y < 1$ ► паст рейтинг кўрсаткичига эга бўлган вилоятлар										
1	Жиззах	18487	19974,9	13502,1	21816,2	0,96	1,15	1,17	1,46	0,99
2	Сирдарё	13060	32231,8	4456,6	16181,7	1,02	1,26	0,88	1,65	0,97
3	Қорақалпоғистон Республикаси	16949	71093,5	1073,9	22503,1	1,00	1,48	0,16	1,76	0,61

Манба: 2009 йилнинг расмий статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Муаллиф фикрича, минтакаларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиш даражасини юксалтириш учун республикамизда иктисодийёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилашнинг стратегик мақсадларига мос равишда яқин йиллар ичида зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожлантириш ва унинг бошқарув механизмларини такомиллаштириш йўллари” деб номланган учинчи бобда Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини оширишда инновацион маркетинг технологияларини жорий этиш, кичик бизнес рақобатбардошлигини ошириш ва уни самарали бошқаришга кўмаклашувчи инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш асосида соҳанинг инновацион фаолиятини

ривожлантириш ва бошқарув механизми самарадорлигини ошириш йўллари асослаб берилган.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан экспортни ҳар томонлама рағбатлантириш, маҳаллий маҳсулотларни ташқи бозорларга интеграция қилишни таъминловчи инфратузилмани ривожлантириш, айниқса, хусусий тармоқнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамай, кичик бизнес субъектлари экспорти ҳажми ва улуши унинг реал иқтисодий салоҳиятини кўрсатиб бера олмайди. 2009 йилда улар томонидан 1723,6 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинган. Бу кўрсаткич умумий экспорт ҳажмининг 14,6 фоизини ташкил этмоқда, ҳалос¹⁹.

Шу мақсадда тадқиқот ишида экспорт қилувчи кичик бизнес субъектларининг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини таъминлаш ва экспорт учун қўшимча омиллари яратишда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида экспорт қилувчи корхоналарга айланма маблағларини тўлдирish учун имтиёзли кредитлар ажратиш, уларга вақтинчалик солиқ имтиёзлари ва мавжуд кредиторлик қарзини реструктуризация қилиш имкониятини бериш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилган.

Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантиришда ахборот-маслаҳат таъминоти тизимидаги муассасалар ва бошқа бозор инфратузилма ташкилотларининг фаолиятини етарли даражада мувофиқлаштириш, кичик бизнес инновацион фаолиятининг ахборот-маслаҳат таъминоти тизимини ташкил қилиш муаммоси ҳал қилинган эмас.


Муаллиф фикрича, кичик бизнес соҳасидаги ахборот-маслаҳат таъминоти тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уларга тизимли асосда узлуксиз ва тартибли равишда хизмат кўрсатувчи инфратузилма шаклидаги зарур шаронглар яратиш лозим. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш мақсадга мувофиқдир:

- кичик бизнес субъектларини янги инновациялар тўғрисидаги ахборотлар билан таъминловчи миллий маълумотлар базасини яратиш;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тизимини такомиллаштириш;
- кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожлантириш учун ташкил қилинган бозор инфратузилма ташкилотлари фаолиятини тизимли асосда мувофиқлаштириш;
- кичик бизнес субъектларига узлуксиз ва тартибли равишда хизмат кўрсатувчи инновацион бизнес марказларини ташкил қилиш.

Таҳлиллар кўрсатишича, Ўзбекистонда инновация фаолияти асосан давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилмоқда. Инновация фаолиятига бюджет маблағларининг кўп жалб қилиниши унинг сифат хусусиятларини пасайтириб юборади. Бюджет маблағлари инновацион лойиҳаларни қўшма молиялаштиришда кўпроқ самара беради.

¹⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-юктоблари.

Тадқиқот ишида муаллиф томонидан Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш модели ишлаб чиқилган (3-расм).



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.


3-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш модели.

Муаллиф томонидан таклиф этилаётган мазкур моделга кўра, давлат илмий-тадқиқот муассасалари, хусусий тадқиқотчилар ва олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган амалий ва инновацион лойиҳаларни ўзининг иқтисодий-молиявий дастаклари ёрдамида мувофиқлаштириши ҳамда уларни тижоратлашувини йўлга қўйишда хусусий ва нодавлат инвесторларни жалб этиши, венчур ва модернизация фондлари ҳамда технологиялар трансфери хизматларини ташкил этиши, шунингдек, кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватловчи инфратузилмалар фаолиятини самарали йўлга қўйиш орқали инновацион кичик бизнесни ривожлантиришда етакчи бўлиши лозим.

Хорижий давлатлар илғор тажрибалари шунини тасдиқламоқдаки, инновацион лойиҳаларни молиялаштиришнинг энг мақбул усулларида бири венчур молиялаштиришдир. Тадқиқотда таъкидланишича, кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини тижоратлаштириш муаммосини самарали ҳал этишда венчур молиялаштириш фондларини ташкил этиш

мақсадга мувофиқдир. Инновация лойиҳаларини венчур молиялаштириш фонди давлат ва хусусий маблағларни жамлаб, уларни ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиради.

Тадқиқотда кичик бизнес инновацион фаолиятидаги рискларни бошқаришда инновация натижаларининг ноаниқликларини камаййтириш имконини берувчи, инновацион технологияларни жорий этишнинг самарадорлигини оширувчи ҳамда инновацион фаолият мақсадларига эришиш харажатларини камайтирувчи амалий тадбирлар мажмуидан иборат рискларни самарали бошқариш механизмларининг ташкилий-иқтисодий асослари ишлаб чиқилган (4-расм).



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

4-расм. Кичик бизнес инновацион фаолиятида рискларни самарали бошқариш механизмларининг ташкилий-иқтисодий асослари.

Муаллиф фикрича, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини самарали ривожлантиришда янги маҳсулотлар, хизматлар ва уларни ишлаб чиқариш услубларини, янги ишлаб чиқариш жараёнларини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқиш, лойиҳалаштириш, дизайн ва бошқа ишланмалар яратиш, технологик инновациялар билан боғлиқ машина ва асбоб-ускуналар сотиб олиш ҳамда инновацион маркетинг ва бошқарувнинг янги услубларини жорий этиш лозим. Давлат томонидан кичик бизнес субъектларига инновацион ғоя ҳамда технологияларни жорий қилишда кўпроқ имтиёз ва рағбатлантиришлар берилиши натижасида инновациялар иқтисодиётда юқори самара беради.

ХУЛОСА

Республикаимизда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ҳамда бошқарув механизмни такомиллаштириш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги илмий хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Хукуматимиз томонидан амалга оширилаётган изчил иқтисодий сиёсат натижасида бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши ортиб бормоқда. У мамлакатимиз иқтисодиётидаги етакчи кучга айланиб, бозорларимизни зарурий товар ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли даромади ва фаровонлигини оширишнинг асосий манбаи, иш билан таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилига айланмоқда. Бироқ, кичик бизнеснинг саноат ва экспортдаги улуши пастлиги, кичик бизнес инновацион фаолиятининг етарли даражада ривожланмаганлиги мазкур соҳа ва тармоқларда кичик бизнесни ривожлантиришга устувор аҳамият беришни талаб этмоқда.

2. Кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятининг муваффақиятини таъминлаш мақсадида бошқарув тизими – менежментни инновацион маркетинг билан боғлаш муҳим. Кичик бизнес фаолиятига инновацион маркетингни кенг татбиқ этилиши янги маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисидаги ғояни етарли даражада асосланишдан тортиб, мазкур товарни бозорда кучли ўрин эгаллашигача бўлган циклни ўз ичига олувчи инновацияларни ҳаётийлик даражасида давомийлигини таъминлайди. Шунингдек, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини бошқариш бу тоифадаги субъектлар тез ривожланаётган бозор жараёнларида рақобатлаша олиш имконини берувчи янги технологиялар мажмуасини ўзида мужассам этиши лозим. Инновацияларни бошқаришнинг янги технологияларини жорий этиш келгусида инновацион жараёнларни тижоратлаштириш муаммосини ҳал этади.

3. Кичик бизнес субъектлари инновацион фаолияти самарадорлиги малакали билим ва кўникмаларга эга бўлган инноватор менежерлар ишининг натижавийлигига боғлиқ бўлиб, инновация фаолиятини бошқариш жараёнида куйидаги устувор вазибаларни амалга ошириш тавсия этилади:

➤ кичик бизнес субъектининг инновацион фаолиятини ривожлантириш юзасидан стратегик ва тактик мақсадларни аниқлаш, инновацион стратегиялар тизимини ишлаб чиқиш;

➤ инновацион фаолиятни ташкил этиш ва технологик жараёндаги мутасобиқларни бартараф қилиш;

➤ кичик бизнес субъектининг инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ қисқа ва узоқ муддатли стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш;

➤ инновацион ва инвестицион портфелни шакллантириш, патент, лицензия ва нау-хаулар яратиш ва жорий этишни бошқариш;

➤ таваккалчилик элементларини бошқариш ва диверсификация қилиш;

➤ инновациялар билан боғлиқ ахборотлар йиғиш ва таҳлил этиш тизими-ни яратиш;

➤ кичик бизнес субъекти инновацион фаолиятининг самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқиш ва уни амалга оширишни бошқариш.

4. Республикамизда инновация муҳитининг бугунги аҳволи қисқа муддатларда кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожлантиришнинг юқори даражасига эришиш имконини бермайди. Шу боис, уни ривожлантириш давлат томонидан мазкур йўналишдаги аниқ чора-тадбирларни белгилашни тақозо этади. Бу борада асосий эътибор авваламбор, қуйидагиларга қаратилиши лозим:

➤ кичик бизнеснинг илмий-техникавий ахборотдан фойдаланиш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаги юқори трансакцион ҳаражатларини камайтириш;

➤ кичик корхоналар учун янги технологияларни синовдан ўтказиш ва уларни жалб этишдаги юқори таваккалчиликларни бартараф этиш;

➤ инновацион ишланмалар ва уларни жорий қилиш учун ўз ресурсларини тақлиф қилувчи молиявий ва инвестиция институтлари бозори ташкил этилишини рағбатлантириш;

➤ йirik корхоналарни кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини ҳиссадор ташкилот сифатида улушли молиялаштиришдан оладиган манфаатдорлигини ошириш;

➤ фан-таълим-ишлаб чиқариш интеграцияси самарадорлигини ошириш ва уларни ўзаро боғлайдиган инновацион воситачилар тармоғини ривожлантириш.

5. Кичик бизнес субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш ҳамда уларнинг инновацион лойиҳаларини тижоратлаштиришда мазкур лойиҳаларни венчур молиялаштириш фондларини ташкил этиш юқори самара беради. Инновацион лойиҳаларни венчур молиялаштириш фонди хусусий маблағларни жамлаб, уларни ушбу лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтиради. Венчур инвестициялари узоқ муддатли кредитларнинг кафиликсиз шакли ҳисобланиб, мазкур маблағлар бевосита корхонани ўзига эмас, унинг акционерлик капиталига йўналтирилади. Венчур молиялаштиришни амалга оширувчи томонлар инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш натижалари юзасидан олинадиган даромаддан молиялаштиришга қўшган хиссалари миқдоридан улуш оладилар.

6. Кичик бизнес субъектлари маҳсулотларини жаҳон бозорларига олиб чиқиш ва халқаро бозорлар стандартларига мослаштириш орқали уларни ташқи иқтисодий фаолият жараёниларига кенг жалб этиш, замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланилган ҳолда кичик бизнесни маълумотлар билан

таъминлаш сифатини ошириш ҳамда инновацион маркетинг тадқиқотларини олиб бориш каби услубий ёрдамлар кўрсатишда кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожлантиришга кўмаклашувчи инфратузилмалар фаолиятини тубдан ислох қилиш лозим. Хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар кичик бизнес субъектларининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжлари тўлиқ қондириш орқали уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантиришни рағбатлантиришда етакчи қучга айланиши зарур.

7. Ўзбекистонда инновация фаолиятини юқори даражада ривожлантириш ва иктисодий самарадорлигини ошириш учун Миллий инновацион тизим (МИТ)ни тўлиқ шакллантириш лозим. Бунда республикамизда инновацион иктисодиётга ўтиш концепциясини ва МИТни шакллантириш стратегиясини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг инновация фаолиятини самарали ривожлантиришга қаратилган “Инновация фаолияти тўғрисида”ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш лозим.

ЧОП ЭТИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Отажонов Ш.И., Хайитов А.Б. Қишлоқ хўжалиги иктисодиётида деҳқон ва фермер хўжалиқларининг ўрни. // Проблемы социальной защиты населения: Тезисы докладов международной научно-практической конференции. –Тошкент: ТГЭУ, 1999. –С. 61–62.

2. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда бозор иктисодиётининг таркиб топишида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масалалари. // Иктисодий мерос ва жаҳон тажрибаси: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2000. –Б. 127–130.

3. Ғойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И. Иктисодиётни эркинлаштириш жараёнида қишлоқ хўжалиги соҳасини миллий ҳисоблар тизими асосида ўрганиш. // Ўзбекистон Республикаси иктисодий сиёсатини эркинлаштиришнинг устувор йўналишлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2000. –Б. 133–136.

4. Ғойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И. Кичик ва ўрта бизнеснинг иктисодий ривожланишини статистик ўрганиш. // Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2002. –Б. 134–137.

5. Ғойибназаров Б.К., Отажонов Ш.И. Кичик ва ўрта бизнес корхоналари фаолиятининг молиявий натижаларини статистик усуллар ёрдамида таҳлил қилиш. // Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш: муаммолар ва истиқболлар: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2002. –Б. 137–139.

6. Отажонов Ш.И., Соатов Н.М. Ўзбекистон Республикаси кичик ва ўрта бизнес корхоналарини статистик ўрганишни такомиллаштириш йўллари. // Ўзбекистонда иктисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2002. –Б. 42–45.

7. Гойибназаров Б.К, Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда янги инновациялардан фойдаланиш йўллари. // Иқтисодий ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва вазифалар: ТДИУ профессор-ўқитувчилари ва ёш олимларининг илмий-маллий анжумани тезислари тўплами. –Тошкент: ТДИУ, 2007. –Б. 132–135.

8. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда қишлоқ таълимидан самарали фойдаланиш. // Иқтисодий ва таълим. –Тошкент, 2007. –№ 3. –Б. 128–131.

9. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш муаммолари. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 2008. –№ 3. –Б. 36–40.

10. Отажонов Ш.И. Тадбиркорликни ривожлантириш – аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий воситаси. // Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги. –Тошкент, 2008. –№ 3. –Б. 31.

11. Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш – аҳолини самарали бандлигини таъминлашнинг муҳим омили. // Аҳоли бандлиги ва фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ЎзМУ, 2008. –Б. 469–471.

12. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашувчи инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш муаммолари. // Ўзбекистон иқтисодиёти: эришилган ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2008. –Б. 277–279.

13. Отажонов Ш.И. Влияние мирового финансового кризиса на экономику Узбекистана: выбор управленческой логики антикризисных действий. // Экономика и финансы. –Москва. 2009. –№13. –С. 61–62.

14. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда инновацион кичик бизнесни рағбатлантиришнинг молия-кредит дастаклари.//Иқтисодий эркинлаштириш шароитида молия бозорини такомиллаштириш: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2009. –Б. 217–219.

15. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда иқтисодий модернизациялаш шароитида кичик бизнес инновацион фаолиятининг бошқарув тизими самарадорлигини ошириш. // Миллий валюта барқарорлиги ва иқтисодий ўсишнинг ўзаро алоқадорлиги ва таъсири: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2009. –Б.188–190.

16. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти рағбатлантиришда венчур молиялаштириш тизимини жорий этиш истиқболлари. // Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози шароитида бухгалтерия ҳисоби, аудит ва таҳлилни такомиллаштириш масалалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТМИ, 2009. –Б.238–241.

17. Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ривожланишини баҳолаш ва таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш хусусиятлари. // Иқтисодий

эркинлаштириш ва модернизациялаш шароитида иқтисодий тармоқларини барқарор ривожлантириш: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент: ТДИУ, 2009. –Б.114–116.

18. Отажонов Ш.И. Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришга қўмаклашувчи инфратузилмалар фаолиятини ривожлантириш. //Иқтисодий, демографик, экологик барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг устувор вазибалари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Урганч: УрДУ, 2010. –Б.116–118.

19. Отажонов Ш.И. Совершенствование управления инновационной деятельностью малых предприятий в Узбекистане: проблемы формирование управленческие инноваций. // Экономика и финансы. –Москва. 2010. –№1. –С. 35–36.

20. Ғуломов С.С., Отажонов Ш.И., Раҳмонов Ҳ.О. Ўзбекистонда иқтисодийни модернизациялаш ва минтақа иқтисодийтини юксалтиришда инновацион фаолият ва кичик бизнесни ривожлантириш истиқболлари. // Мамлакатни модернизациялаш шароитида минтақада табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Фарғона: ФарДУ, 2010. –Б. 6–8.

21. Отажонов Ш.И. Управленческие инновации на малых предприятиях. // Иқтисодий ва таълим. –Тошкент, 2010. –№ 5. –Б. 32–36.

22. Отажонов Ш.И. Мараимова У.И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида инновацион фаолият ва кичик бизнесни ривожлантириш омиллари. // Инқироз сабоқлари ва глобал таҳдидлар шароитида иқтисодий ривожланишнинг инновацион модели: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. –Тошкент: ТДИУ, 2010. –Б.128–133.

23. Отажонов Ш.И., Раҳмонов Ҳ.О. Новый путь привлечения иностранных инвестиций. // Федерация. –Москва. 2010. –№ 6. –С. 51–54.

Иқтисод фаилари номзоди илмий даражасига талабгор Отажонов Шухрат Ибрайимжоновичнинг 08.00.13 – «Менеджмент ва маркетинг» ихтисослиги бўйича «Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмни такомиллаштириш» мавзусидаги диссертациясининг РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик; инновацион фаолият; бошқарув механизми; кичик бизнес ракобатбардошлиги; кичик бизнес инфратузилмаси; инновацияларни тижоратлаштириш.

Тадқиқот объектлари: Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти.

Ишнинг мақсади: республикамізда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмларини такомиллаштириш ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш юзасидан илмий-назарий ҳамда услубий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот методлари: тизимли ва қиёсий таҳлил қилиш, иқтисодий-математик, статистик гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, монографик кузатиш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолияти бошқарув механизмларини такомиллаштириш орқали уни иқтисодий самарадорлигини оширишнинг назарий-услубий ишланмалари яратилган бўлиб, унинг асосида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммолар ҳал қилинган, хулосалар қилинган ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Хусусан, кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш асосида миқлиий иқтисодиёт самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари асослаб берилган; кичик бизнес субъектларининг иқтисодий-инновацион фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш услуби такомиллаштирилган; Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ташқил этишнинг истиқболли йўналишлари асослаб берилган ва кичик бизнес инновацион фаолиятини ривожлантиришни самарали бошқариш модели таклиф этилган; кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва уни самарали бошқаришга қўмаклашувчи инфратузилмаларни такомиллаштириш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқилган; кичик бизнес субъектларининг инновацион лойиҳаларини тижоратлаштириш ва уларни венчур молиялаштириш тизими таклиф этилган; кичик бизнес инновацион фаолиятида рискларни самарали бошқаришнинг ташқилий-иқтисодий механизмлари ишлаб чиқилган; республикамізда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг иқтисодий-инновацион ривожланишини прогнозлаш вариантлари ишлаб чиқилган.

Амалий аҳамияти: ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар республикаміз ва унинг минтақалари иқтисодиётида кичик бизнес субъектлари инновацион фаолиятини бошқариш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда, унга қўмаклашувчи инфратузилмаларни ривожлантиришда, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича Давлат дастурларини ишлаб чиқишда кенг қўлланилиши мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: асосий хулоса ва натижалари Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Фаилар академияс, «Марко» кичик корхонаси, «S-Mobile» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалиётга татбиқ этиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: тадқиқот натижалари иқтисодиёт тармоқларида кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини ривожлантириш ва бошқаришда ҳамда ўқув жараёнида қўлланилиши мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Отажонов Шухрата Ибрайимжоновича на тему “Совершенствование механизма управления инновационной деятельности субъектов малого бизнеса в Узбекистане” на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.13 - “Менеджмент и маркетинг”

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, инновационная деятельность, механизм управления; конкурентоспособность малого бизнеса; инфраструктура малого бизнеса; коммерциализация инноваций.

Объекты исследования: инновационная деятельность субъектов малого бизнеса, действующие в Республики Узбекистан.

Цель работы: разработка научно-методологических и практических рекомендаций по совершенствованию механизма управления инновационной деятельностью малого бизнеса, а также повышению экономической эффективности субъектов малого бизнеса.

Методы исследования: применен ряд научных методов, как системный и сравнительный анализ, экономико-статистические группирования, экспертные оценки, монографические исследования.

Полученные результаты и их новизна: разработаны теоретико-методологические основы повышения эффективности малого бизнеса путем совершенствования системы управления инновационной деятельностью субъектов малого бизнеса. В частности, обоснованы научно-теоритические аспекты повышения эффективности национальной экономики на основе развития инновационной деятельности субъектов малого бизнеса; совершенствована методика анализа и оценки экономико-инновационной эффективности субъектов малого бизнеса; разработана модель управления развитием инновационной деятельности субъектов малого бизнеса в Узбекистане; разработаны предложения по совершенствованию деятельности инфраструктуры по поддержке развития инновационной деятельности и эффективного управления субъектов малого бизнеса; предложена система венчурного финансирования и коммерциализации инновационных проектов субъектов малого бизнеса; разработаны организационно-экономические механизмы управления рисками инновационной деятельности малого бизнеса; разработаны варианты прогнозирования с целью экономической оценки экономико-инновационного развития субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства.

Практическая значимость: научно-методические аспекты, выводы и рекомендации, предложения диссертационной работы могут быть применены при анализе, оценке и прогнозировании тенденций развития малого бизнеса и частного предпринимательства в экономике Республики и ее регионов, при разработке Государственных программ по поддержке малого бизнеса и при принятии инвестиционных решений по развитию малого бизнеса.

Степень внедрения и экономическая эффективность: основные предложения по результатам исследования внедрены в практику деятельности Государственного комитета Республики Узбекистан по демонополизации, поддержке конкуренции и предпринимательства, Академии наук Республики Узбекистан, частной фирмы «МАРКО»; общества с ограниченной ответственности «S-MOBILE».

Область применения: результаты исследования можно применять на практике развития и управления инновационной деятельностью субъектов малого бизнеса в секторах экономики, в преподавании специальных дисциплин в учебных заведениях высшего образования экономического профиля.

RESUME

Thesis of Shukhrat Ibraimjonovich Otajonov on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in economic sciences, specialty 08.00.13 – “Management and marketing” on the subject “Perfection the mechanism of management of innovative activity of small business subjects in Uzbekistan”

Key words: small business, private entrepreneurship, innovative activity, mechanism of management, competitiveness of small business, infrastructure of small business, commercialization of small business.

Subject of the research: innovative activity of small business subjects operating in Uzbekistan.

The aim of the research: development of scientifically-methodological and practical recommendations on perfection the mechanism of management of innovative activity of small business as well as increase the economic effectiveness of small business subjects.

Methods of the research: the range of scientific methods as systematic and comparative analyses, economic and statistical grouping, expert evaluations and monographic researches were applied

The results achieved and their novelty: theoretically-methodological bases of increasing the effectiveness of small business through improvement the management system of innovative activity of small business subjects were elaborated. Particularly, scientifically-methodological aspects of increasing the effectiveness of national economy on the basis of developing innovative activity of small business subjects were justified; the methodology of analysis and assessment of economic and innovative effectiveness of small business subjects was refined; the model on managing the development of innovative activity of small business subjects in Uzbekistan was worked out; suggestions on improvement the infrastructure supporting the development of innovative activity and effective management of small business subjects were elaborated; the system of venture financing and commercialization of innovative projects of small business subjects was recommended; organizational and economic mechanisms of risk management of innovative activity of small business were worked out; prognostic variants aimed at economic estimation of economic and innovative development of small business subjects and private entrepreneurship were developed.

Practical value: scientifically-methodological aspects, conclusions and recommendations, suggestions on the research can be applied in analyzing, assessing and forecasting the trends of small business and private entrepreneurship development in the economy of Uzbekistan and its regions, in elaborating State programs on supporting small business and in making investment decisions on small business development.

Degree of embed and economic efficiency: the main suggestions of the research have been introduced into practice of State Committee of the Republic of Uzbekistan on demonopolization, support of competition and entrepreneurship, Academy of Science of the Republic of Uzbekistan, the private firm “Marko” and “S-Mobile” LLC.

Sphere of usage: outcomes of the research can be applied in developing and managing the innovative activity of small business subjects in sectors of economy, in teaching of special disciplines in higher educational institutions of economic profile.

Тадқиқотчи: _____